




УКУВЧИЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ ОРКАЛИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ

Бурибоев Алишер Юнусович

Жиззах Давлат педагогика институти Жисмоний
маданият назарияси ва методика кафедраси катта
укитувчиси

Шобутаев Асилбек Шамсиддин угли

Жисмоний маданият факультети 1-курс талабаси

Аннотация:

Маколада булажак жисмоний тарбия ук,итувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш ма-салалари, жисмоний тарбия дарслари мазмунини илмий асосда ташкил қилиш, унинг ташкилий ва технологик асосларини модернизациялаш, келажакда ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш, бунда инновацион фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланиши ҳамда унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғликлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўйбга чиқаришга мулжалланганлиги туғрисида фикрлар баён этилган.

Таянч сузлар:

Инновация, жисмоний тарбия ук,итувчиси, технология, фаолият, ре-жалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, баҳолаш, баркамол шахс, қафолатланган натижа.

Annotation:

The article deals with the issues of preparing future students of physical education for innovative activities, the organization of the content of physical education lessons on a scientific basis, modernization of its organizational and technological bases, development of future development trends. And its outcome is in the public interest, to guide young people towards social relations, to realize the natural potential of man to gain social experience.

Key words:

Innovation, physical education teacher, technology, activity, planning, organization, supervision, assessment, competent person, guaranteed result.

Аннотация:

В статье рассматриваются вопросы подготовки будущих студентов физического воспитания к инновационной деятельности, организация содержания уроков физического воспитания на научной основе, модернизация его организационно-технологической базы, разработка перспективных направлений развития. И его результат находится в общественных интересах, чтобы направить молодых людей к социальным отношениям,

реализовать естественный потенциал человека для получения социального опыта.

Ключевые слова:

инновации, учитель физкультуры, технология, деятельность, планирование, организация, супервизия, оценка, компетентный человек, гарантированный результат.

Узбекистонда таълим соҳасида педагогик амалиётнинг турли томонларини ҳамраб олаётган кучли инновацион импульс қаракати давом этмоқда: таълим сифатини ошириш, натижаларини олдиндан белгилаш, инновацион, ахборот-коммуникацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш, интерфаол ўқитиш, таълим менежментига қаратилган ёндашувлар вужудга келмоқда. Жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида баркамол инсонни тарбиялашга энг асосий, кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. «... фақатгина замонавий асосда таълим-тарбия олган, жаҳоннинг манамен деган мамлакатларидаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, жисмоний ва маънавий жихатдан баркамол ёшлар биз бошлаган ишларни муносиб давом эттириш ва янги босқичга қутаришга қодир бўлади»¹, дейди Узбекистон Президенти Ислам Каримов. Дарҳақиқат, узбек халқининг миллий маънавиятида инсонпарварлик, билимдонлик, ахлокийлик, ватанпарварлик, илмга чанқоклик, бунёдкорлик, ижодкорликка интилиш фазилатлари етакчи ўринда туради. Бугунги кунда республикамиз ёшлари орасидан халқаро миқёсдаги турли курик-танловлар, мусобақалар Ғолиб ва совриндорларининг етишиб чиқиши мамлакатимизда таълим-тарбияга эътибор кучли эканлигидан далолат беради. Ёш авлодга таълим бераётган ўқитувчилар бугунги кунда ўзлари замонавий таълим-тарбия сирларидан воқиф бўлишлари, инновацион технологияларни эгаллаган, ахборот-коммуникация воситаларидан оқилона фойдалана олиш қуликма-ларига эга бўлишлари талаб этилади. Шу жихатдан олганда, қуйидаги хрлатлар инновацион технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолиятининг мазмуни ва мақсадини янгича қуришга талаб қулайганлигини билдиради:

- биринчидан, мамлакатимиз ўз мустакиллигини қўлга киритиши билан буюк маънавиятимизни тиклаш, соғлом турмуш тарзини барча фуқаролар, энг аввало, ёшларга сингдириш давлатимиз сиёсатида ўстувор йўналиш қилиб белгиланиши, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги қабил ўзлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчиларни қамон талаблари ва жаҳон андозалари асосида тайёрлаш, ўларнинг малакасини ошириш, ўлар тарбиялаётган ёшларда жисмоний сифатлар, юқсак маънавий маданият, ахлоқ ва маърифат фазилатларини шакллантириш ва сингдириш муаммоларининг ечимини давр тақозо этиши;

- иккинчидан, давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири - маънавий жихатдан баркамол, жисмоний ва рухий жихатдан соғлом, Ватан сарҳадларини қимоя қилиш ўқун жисмонан қиниккан, фидойи инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини тақомиллаш-тириш, миллий истиклол Ғояси асосида маънавий ва рухий жихатдан янги авлодни вояга етказишга ижтимоий зарурат тугилиши;

- ўчинчидан, миллий маънавиятимизни тиклаш борасида олиб қорилган, давом этаётган ишлар, халқ таълимининг тубдан ислох, қилинаётгани жамиятимизда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлод тарбиясига қенг қатта эътибор қаратилиши тенденциясининг қучайиши;

- туртинчидан, универсал технологиялар билан боғлиқ глобаллашув жараёнида узлуксиз таълим тизимида жисмоний тарбияни уқитишда замонавий педагогик технологиялар, инновацион ёндашувлар асосида талкин қилинишига ижтимоий зарурат туғилиши.

Жисмоний тарбияга эътиборнинг кучайганлигини уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақаларининг ташкил этилганлиги ва мунтазам ўтказилиб келинаётганлигида, ёки спортнинг куплаб турлари бўйича Ўзбекистондан Олимпиада ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқиб, мамлакатимиз довлугини бутун дунёга тараннум этишида ҳам қуриш мумкин. Бундан ташқари, барча мактаб ва маҳаллаларда ҳам турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда, оилавий мусобақаларни ўтказиш йўлга қўйилиб борилмоқда.

Жисмоний тарбия - соф спорт мусобақаларидан иборат бўлган жараёнгина эмас, балки ушбу тарбия орқали ёшларда ахлокий-иродавий ҳислат ва фазилатлар таркиб топтирилишидир. Жисмоний машқларни бажариш давомида ёшларда ирода, тезлик, чакконлик, чидамлилиқ тарбияланади, уларнинг соғлиги мустаҳкамланади, иш қобилиятлари, ақлий фаоллиги оширилади, жасурлик, ҳалоллик, қатъийлик, мустақиллик каби ахлокий ҳуққ меъёрлари таркиб топади, етуклик сари қадам ташланади.

Жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчи ҳар томонлама етук: чиниккан, соф фикрли, мард, саботли, қатъиятли, келажакда Ватанни ҳимоя қила оладиган шахсларни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу нуқтаи назардан, бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолиятини инновацион ташкил қилиш, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва бойитиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнини ривожлантириш билан биргаликда ҳозирги кун талаблари олдига турган долзарб масала - булажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини назарий ва амалий жиҳатдан инновацион фаолиятга тайёрлаш, ёш авлодни жисмонан тарбиялашда самарадорликка эришишидир. Зеро, фақат жисмонан баркамол, соғлом шахсгина ўзининг интеллектуал, маънавий имкониятларини тулақонли намоён этиш имкониятига эга бўлади.

Шу маънода мамлакатимизда жисмоний тарбия тизимининг тарихий тажрибаларини қиёсий-таҳлилий урганиш, амалий тажрибаларини танқидий мушоҳада қилиш асосида умумлаштириш, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини туғри ташкил қилиш, унинг истикболли стратегиясини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун мақсадли педагогик тадқиқотларни амалга ошириш зарурати келиб чиқади.

Булажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига жисмоний тарбия мазмунини илмий асосда ургатиш, унинг ташкилий ва технологик асосларини модернизациялаш, келажакда ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш педагогика фани олдига турган долзарб масалалардан биридир. Бунда инновацион фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланиши ҳамда унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни руёбга чиқаришга замин яратади. Бугунги кунда педагогика соҳасида янги илмий йўналиш - педагогик инновация ва таълим жараёнини янгилаш фояларининг пайдо бўлиши натижасида ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам янги йўналиш - «ўқитувчининг инновацион фаолияти» тушунчаси пайдо бўлди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти узлуксиз равишда янгиликлар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдан иборат, муайян вақт давомида шаклланиб, такомиллашиб борадиган жараён. Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятининг асосий белгилари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- 1) ижодий фаолият фалсафасини жисмоний тарбия концепциялари билан уйғунлаштириш;
- 2) педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- 3) муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- 4) тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- 5) узидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;
- 6) ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- 7) фикр алмашиш ва методик ёрдам курсата олишлик;
- 8) зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- 9) янгиликларни жисмоний тарбия дарсларида татбиқ этиш, уларни ўз шароитига мослаштира олиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи Ва буюк келажаги йулида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2018. -288-б.
2. Ашмарин Б.А. Биомеханические показатели будущих спортсменов. - М.: «Физкультура и спорт», 2014. -С. 276.
3. Верхошанский Ю.В. Программирование и организация тренировочного процесса. - М.: «Академия», 2014. -С. 186.
4. Колтановский А.П. Подготовка квалифицированных спортсменов. - Красноярск: ИФС, 2013. -С. 76.